



ҲИНД-ОРИЙ ТИЛЛАРИДАГИ СОНЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ДОИР БАЪЗИ ФОНЕТИК ЖАРАЁНЛАР ХУСУСИДА

*Нурматов Сирожиддин Султанмуратович,
ТошДШИ докторанти, филология фанлари номзоди*

Калит сўзлар: элизия, ургу, церебрал товуш, эвфоник товуш, фонетик таҳлил, фонетик хусусият, сўз туркуми, ўнликлар, лигатура, санок сон, санскрит, палий, пракрит, апабахаранша, шаурасений, татсама, тадбҳава.

Мазкур мақолада Жанубий Осиё минтақасида кенг тарқалган ҳинд-орий тилларидаги сонларнинг шаклланишига доир фонетик жараёнларни ўрганиш мақсад қилиб олинган. Таъкидлаш жоизки, мустақил сўз туркумлари орасида сон сўз туркумининг ўзига хос шаклланиш хусусиятларини олимлар узоқ вақтдан бери ўрганиб келмоқдалар. Лекин, у барча тилларда бир хил ишланган эмас. Ҳатто баъзи тилларда умуман тадқиқ этилмаган.

Ушбу мавзуда махсус тадқиқот олиб борган А.Е.Супруннинг таъкидлашича, соннинг тузилиши ҳамма тилларда бир хил эмас [4: 582]. Сон бошқа сўз туркумларига нисбатан турғун, ўзига хос хусусиятга эга. Буни у шундай таъкидлайди: «Сон сўз туркумининг вокеланиши ҳар бир тилнинг табиатидан келиб чиқади» [4: 584]. Шунга кўра, мазкур мақолада ҳинд-орий тилларидаги сонларга хос лексемаларнинг шаклланишида содир бўладиган фонетик жараёнлар ўрганилади.

Маълумки, Ҳинд-Оврўпа тиллари оиласига хос бўлган ҳинд-орий тиллари гуруҳи ўзига хос ривожланиш босқичлари билан бошқа гуруҳдаги тиллардан ажралиб туради. Манбаларда қайд этилишича, ҳинд-орий тилларининг пайдо бўлиши жуда қадимги даврларга бориб тақалади. Тахминларга кўра эрамиздан аввал 1500 йил аввал ҳинд-орий тиллари шакллана бошлаган. Демак, қарийб 3500 йил даврдан бери ушбу тиллар ривожланиб келмоқда [5: 38].

Ҳинд тилшунос олимлари ҳинд-орий тилларининг ривожланиш босқичини 3 даврга тақсимлаганлар. Булар: 1) қадимги ҳинд-орий тиллари даври (эр.ав. 1500 йилдан - эр.ав. 500-йилигача); 2) ўрта

ҳинд-орий тиллари даври (эр.ав.500 йилдан - эрамизнинг 1000-йилигача); 3) янги ҳинд-орий тиллари даври (1000-йилдан то ҳозирги давргача).

Мазкур мақолада асосан қадимги ҳинд-орий тиллари даврига хос бўлган ведик санскрит ва санскрит, ўрта ҳинд-орий тиллари даврида ривожланган палий, пракрит ва апабахаранша ҳамда янги ҳинд-орий тилларига хос бўлган ҳозирги адабий ҳиндий тилидаги сонларга хос лексик бирликларнинг ривожланишида содир бўлган баъзи фонетик жараёнлар таҳлил қилинади.

Ҳинд тилшунос олими Б.Тиварийнинг фикрича, ҳинд-орий тилларининг ривожланишида сонларнинг шаклланиши алоҳида хусусиятларга эга. Уларнинг фонетик жиҳатлари ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради [8: 585].

Ушбу мақолада Д.Варма [7], С.Агравал [10], Б.Тиварий [5], Х.Баҳрий [11] каби ҳинд тилшунос олимлари томонидан ёзилган кўплаб илмий асарлар ўрганилди. Олдинги мақолалар бирликларга оид сонларнинг шаклланиш масалаларига бағишланганлиги туфайли, ушбу мақолада асосан ўнликларга доир сонларнинг шаклланишига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўнликларга хос бўлган दस (das) – “ўн” санок сони қадимги ҳинд-орий тилларига хос бўлган ведик санскрит тилида दश (dash), санскрит тилида ҳам दश (dash) шаклида ифодаланган. Ўрта ҳинд-орий тиллари даврида ривожланган палий тилида दस (das), пракритда эса даставвал दस (das), кейинчалик दह (dah), डह (Dah), रह



(rah), लह (lah) шаклларига эга бўлган [8: 594]. Апабхаранша тилида ҳам दस (das) шаклида қўлланилган. Ҳиндий тилида эса दस (das) ва шунингдек унинг маъносини англатувчи бир неча шакллари ҳам мавжуд. Ушбу соннинг кўринишлари куйидаги лексемаларда ўз аксини топган: दसवां (dasvaan) – “ўнинчи”, दसों (dasoon) – “ўнлаб”, दह (dah), चौदह (chaudah) – “ўн тўрт”, दहला (dahlaa) – ўн (турли хил ўйинларда), दहाई dahaaii – “ўн рақами”, दहाना dahaanaa – “диаметр”, रह (rah) – ग्यारह (gyarah) – “ўн бир”, बारह (baarah) – “ўн икки”, तेरह terah – “ўн уч”, सत्रह satrah – “ўн тўрт”, अट्ठारह aTThaarah – “ўн саккиз”), लह lah (सोलह solah – ўн олти), द्रह drah (पन्द्रह pandrah – “ўн беш”) ва ҳоказо [12: 193]. Бу шаклларнинг барчаси пракритлар давридан бери қўлланилиб келинмоқда. Тилшунос олим Дҳирендра Варма пракрит тилларига хос бўлган d товушининг r товушига айланганлик сабаблари аниқ эмас, дейди. Фикримизча, пракритдаги र (r) ва бошқа шунга ўхшаш товушларнинг таъсири натижасида द (d) нинг ड (D) шакли юзага келган. Бироқ анъанавий шаклдаги церебраллашув натижасида ҳам द (d) товуши ड (D) га ўзгарган. द (d) ड (D) ङ (R) र (r) товушларида ҳам шундай ҳолат юзага келган.

Ҳиндий тилидаги ўнликларга хос бўлган बीस (biis) – “йигирма” сони (द्विंशति dvinshati) ведик санскрит тилида विंशति (vinshati), санскрит тилида ҳам विंशति (vinshati), палий тилида वीसति (viisati), пракритда эса वीसइ (viisai), шаураасений пракритда ва апабхараншада वीस (viis) ва

ҳозирги адабий Ҳиндий тилига келиб बीस (biis) шаклига эга бўлган [7: 98]. Ушбу ўнликларга хос бўлган соннинг бир неча кўриниши мавжуд бўлиб улардан बीस (biis) बिस (bis) (चौबीस chaubiis – “йигирма тўрт”), ब्विस (bbis) ёки बीस (bbiis) шакллари (छब्बीस chaubbiis – “йигирма олти”), ईस (iis) ёки इस (is) шакллари (उन्नीस unnis – “йигирма тўққиз”, इक्कीस ikkiis – “йигирма бир”, बाईस baaiis – “йигирма икки”, तेईस teiis – “йигирма уч”, पच्चीस pachchiis – “йигирма беш”, सत्ताईस sattaaiis – “йигирма олти”, अट्ठाईस aTThaaiis – “йигирма саккиз”) ҳам мавжуд. Ушбу сонларга хос лексемалар таркибида учраётган ब्ब “bb” лигатура хос бўлган шакл урғунинг натижасидандир. Улар таркибидаги ब “b” товуши элизияга учраши сабабли इस (is), ईस (iis) шакллари ҳосил бўлган. Ведик санскрит тилида विंशति (vinshati) шакли даставвал त्रिंशत् (trinshat) шаклида бўлган. चत्वारिंशत् (chatvarinshat) шакли асосига द्वि (dvi) кўшилиши натижасида द्विंशति (dvinshati) шакли юзага келган. Бунда द “d” товушининг элизияга учраши натижасида विंशति vinshati шакли ҳосил бўлган.

Ўнликлар қаторига оид तीस (tiis) – “ўттиз” маъносини англатувчи лексема эса, ведик санскрит ҳамда санскрит тилларида त्रिंशत् (trinshat), палий тилида, तिसति (tinsati), пракрит тилида तीस (tiis), апахараншада तीस (tiis) ва бу шакл ҳозирги адабий Ҳиндий тилига келиб ҳам तीस (tiis) шаклига эга бўлган. Бу шакл तीसवां (tiisvaan) – “ўттизинчи” ёки इक्तीस (iktiis) – “ўттиз бир”, तैतीस (teentiis) – “ўттиз уч”, चौतीस (chaontiis) – “ўттиз тўрт”, सैतीस



(saintiis) – “ўттиз етти”, अड़तीस (aRtiis) – “ўттиз саккиз” каби мисолларда ўз аксини топган [11: 247]. Баъзилари талаффуз жиҳатидан ўзгача шаклга ҳам эга бўлиши мумкин). Шунингдек, तीस (ttiis) ёки तिस (ttis) шакллари эса ўттизликларга хос бўлган лексемаларнинг иккинчи вариантыда қўлланилишини таъкидлаб ўтиш лозим (इकतीस (ikattiis) – “ўттиз бир”, बत्तीस (battiis), बत्तिस (battis) – “ўттиз икки”, छत्तीस (chattiis), छत्तिस (chattis) – “ўттиз олти”). Ушбу сонларда лигатура шакллари ҳамда қисқа унли товушларнинг чўзиқ унли товушларга ўзгариш ҳодисаси юз берган.

चालीस (chaaliis), चालिस (chaalis) ведик санскрит тилида चत्वारिंशत् (chatvaarinshat) ва санскрит тилида ҳам айнан шундай шалда бўлган. Палий тилида चत्ताळीसति (chattaLiisati) ва चत्ताळीस (chattaLiis), пракрит тилларида эса चत्तालीस (chattaaliis), апабхарашада चालीस (chaaliis), चालिस (chaalis) ва ҳиндий тилида चालीस (chaaliis), चालिस (chaalis) шаклларига эга бўлган. Бунинг бир неча кўринишлари бўлмиш चालीस (chaaliis), चालिस (chaalis), तालीस (taaliis), तालिस (taalis) каби шакллари ҳам мавжуд бўлиб, улар इकतालीс (iktaaliis), इकतालिस (iktaaliis) – “қирқ бир”, तैतालीस (taintaaliis), तैतालिस (taintaalis) – “қирқ икки”, पैतालीस (paintaaliis), पैतालिस (paintaalis) – “қирқ беш”, सैतालीस (saintaaliis), सैतालिस (saintaalis) – “қирқ етти” каби сонларга хос лексемалар таркибида учрайди. आलिस (aalis) ва आलीस (aaliis) шакллари эса बयालीс (bayaaliis), बयालिस (bayaalis) – “қирқ икки”, चवालीस (chavaaliis) - चवालिस (chavaalis) – “қирқ тўрт”, छियालीस (chiyaaliis) - छियालिस (chiyaalis) – “қирқ олти” каби сонлар таркибида ўз ифодасини топган [8: 594]. Ушбу сонларга хос лексемалар таркибида

учраётган य (ya) व (v) товушлари эвфоник товушлар ҳисобланади. त (t) товуши иштирок этган ва шунингдек пракрит тилидаги चत्तालीस (chattaaliis) шаклидаги त्त (tta)га урғу тушушиши ҳамда च (ch) товушининг элизияга учраши сабабли ҳосил бўлган. Охирги шакллар эса च (ch) त (t) товушларининг элизияси натижасида ясалган.

Ўнликлар қаторига оид элликликлар маъносига ўз ифодасини топган पचास қадимги ҳинд-орий тилларига хос бўлган ведик санскрит тилида पंचाशत् (panchashat) ва санскрит тилида ҳам पंचाशत् (panchashat) шаклида бўлган. Ўрта ҳинд-орий тилларига хос бўлган палий тилида पंचासा (panchasa) (баъзи манбаларда पञ्चासा (paNNaasaa) шакли ҳам қўлланилганлиги ҳам таъкидланади. Пракрит ва апахаранша тилларида पंचास (panchas) ва янги ҳинд-орий тилларига хос бўлган ҳозирги адабий ҳиндий тилида पचास (pachas) варианты шакланган. Саноқ сонга оид ушбу лексеманинг पचास (pachaas), चास (chaas) (उनचास unchaas – (қирқ тўққиз)), वन (van) – (इक्यावन (ikyaaavan) – “эллик бир”, बावन (baavan) – “эллик икки”, चौवन (chauvan) – “эллик тўрт”, अठावन (aThaavan) – “эллик саккиз”), पन (pan) (तिरपन (tirpan) – “эллик уч”, पचपन (pachpan) – “эллик беш”), प्पन (ppan) (छप्पन (chappan) – “эллик олти”) каби шакллари ҳам мавжуд. चास (chaas) шаклида प (p) товуши элизияга учраган. पंचाशत् (panchashat) шакли палий тилида पञ्चासा (паннаса), пракритда पणासा (panaasaa), апабхараншада पण (paN) ва ҳиндийда पन (pan) кўринишида ҳосил бўлган [10: 173]. Қадимги ҳинд-орий тилларидаги ट्प (tp) лигатура шакли, янги



хинд-орий тилларига келиб प्प (pp) лигатура кўринишига эга бўлган.

Олтмиш маъносини англатувчи सठ (saTh) лексемаси эса, ведик санскрит ва санскрит тилларида षष्टि (shashTi), палий тилида सट्ठि (saTThi), пракритда सट्ठि (saThThi), апабхараншада (saTThi), सट्ठ (saTTha) ҳолатида шаклланган ва янги хинд-орий тиллари давридаги хиндий тилига келиб साठ шакли содир бўлган.

Ушбу лексеманинг 2 та, яъни साठ (saath) ва सठ (sath) каби шакллари ҳам мавжуд. Олтмишликлар қаторига оид сонлар билан бирикканда, қисқа унли шакли सठ (sath) билан ясалади (इक्सठ (iksaTh) – “олтмиш бир”, तिरसठ (tirsath) – “олтмиш уч”, छियासठ (олтмиш олти), सडसठ (saRsaTh) – “олтмиш етти”) [10: 86].

Ўнликларга хос सत्तर (sattar) – “етмиш” даставвал қадимги хинд-орий тилларига хос бўлган ведик санскрит ҳамда санскрит тилларида सप्तति (saptati), ўрта хинд-орий тилларига хос бўлган палий тилида सत्तति (sattati), सत्तरि (sattari), пракрит тилида सत्तरि (sattari), апабхараншада эса सत्तरि (sattari) ва सत्तर (sattar), янги хинд-орий тилларига келиб эса सत्तर (sattar) кўринишига эга бўлган. Ушбу лексиканинг सत्तर (sattar), हत्तर (hattar) каби кўринишлари бошқа сонларнинг бирикишида ҳам қўлланилади. Масалан, सतहत्तर (sathattar) – “етмиш етти”, अठहत्तर (aThhattar) – “етмиш саккиз” каби сонларга хос лексемаларда अत्तर (attar) त्तर (ttar) каби шакллар учрайди. स (s) товушининг ह (h) товушига ўзгариши натижасида हत्तर (hattar) шакли ҳосил бўлган. Етмишликлар қаторида келган бошқа сонларга оид бирликларда ундош ва унли товушларнинг элизия ҳодисасига учраганлигини кузатишимиз мумкин. Санскрит тилидаги त (t) ундош товушининг палий тилида र (r) – त (t) – ट

(T) – ड (D) – ड़ (R) – र (r) товушларига ўзгариши натижасида шаклланган [8: 595]. Йирик хинд тилшунос олими Сунитий Кумар Чатержийнинг таъкидлашича, буларни церебрал товушларга айланганлигини аниқ айтмайди. Лекин, фикримизча буларнинг таркибида ўзгараётган товушларни анъанавий равишдаги церебрализация дейиш ўринлидир. Яна бир тилшунос олим Дхирендра Варма эса, त (t) товушининг र (r) ўзгаришининг сабабини, ноаниқ деб ҳисоблайди.

अस्सी (assii) – “саксон” маъносини англатувчи лексема, ведик санскрит даврида अशीति (ashiiti), санскрит тилида ҳам अशीति (ashiiti), ўрта хинд-орий тиллари даврига хос бўлган палий тилида असीति (asiiti), пракрит тилида असीइ (asiii), апабхаранша тилида असी (asii), अस्सी (assii), янги хинд-орий тилларига хос бўлган хиндий тилида अस्सी (assii) шаклига эга бўлган [7: 99]. Дхирендра Варма स (s) товушининг икки марта қайтариланиш ҳодисасини, панжоб тилининг таъсирининг натижасида, деб таъкидлайди. Юқорида келтирилган мисоллардан ҳам кўришиб турибдики, अस्सी (assii) шакли апабхаранша тилида ҳам ўз аксини топган. Ҳақиқатан ҳам бундай ҳолатда сақланишига панжобчанинг таъсири кучли бўлган. Эътиборли жиҳати шундаки бошқа сонлар билан бирикканда ҳам आसी (aasii) шакли қўшилади. Жумладан बयासी (bayaasii) – “саксон икки”, तिरासी (tiraasii) – “саксон уч”, पचासी (pachaasii) – “саксон беш”, छियासी (chiyaasii) – “саксон олти” ва ҳоказо. Бу сонларга хос лексемаларнинг барчасида आसी (aasii) саксон маъносини англатиб келмоқда.

“Тўқсон” маъносини англатувчи хиндий тилидаги नव्वे (navve), नब्बे (nabbe) лексемалари эса, даставвал қадимги хинд-орий тиллари давридаги ведик санскрит ва санскрит тилларида नवति (navati), ўрта хинд-орий тиллари даврида ривожланган палий тилида नवति (navati), नवुति (navuti),



пракритда णवइ (navai), апабахараншада णवइ (navai), णवदि (navadi) ва ниҳоят янги хинд-орий тилларидаги ҳиндий тилига келиб नव्वे (navve), नब्बे (nabbe) шаклларида қўлланила бошлаган [8: 595]. Ушбу лексемаларда учраётган व्व (vv) ёки ब्ब (bb) лигатурага хос қўшимчалар панжобчанинг таъсири натижасидандир. Пракритча ҳиндийча шакли नावे (naave) ёки नाबे (naabe) бўлган. Бошқа сонлар билан бирикканда ए (e) товушига урғу кам тушганлиги сабабли नव्वे (navve), नब्बे (nabbe) шаклларининг ўрнига नवे (nave) ёки नबे (nabe) каби шакллар бирикади. Масалан, बानवे (baanve) ёки बानबे (baanbe) – “тўқсон икки”, तिरानवे (tiraanve) ёки तिरानबे (tiraanbe) – “тўқсон уч”, चौरानवे (chauraanve) ёки चौरानबे (chauraanbe) – “тўқсон тўрт” ва ҳоказо.

सौ (sao) – “юз” сонига хос бўлган лексема, ведик санскрит тилида शत (shat), санскрит тилида ҳам शत (shat), палийда эса सत् (sat), пракрит тилларида सअ (sa), सय (say) ва सै (see) шакллари ҳосил бўлган [11: 248]. Апабахаранша тилида эса सउ (sau) ва ҳозирги адабий ҳиндий тилига келиб सौ (sao) шакли юзага келган. Таъкидлаш жоизки, ҳиндий тилининг баъзи шеваларида सै (see) ҳам қўлланилади. Ҳиндий тилида кенг тарқалган सैकडा (seekRaa) шаклида ҳам бу шакл ўз аксини топган. सैकडा (seekRaa) шакли санскрит тилидаги शतकृत (shatkrit) дан келиб чиққан. Ушбу лексемада ўрта хинд-орий тилларига хос бўлган सै (see) шакли сақланган ва ऐ (ee) дифтонгидан स्यङ्ग कडा (kRaa) қўшилиши натижасида ҳосил бўлган.

Юқоридаги таҳлил натижаларига кўра қуйидаги умумий хулосаларни келтириб ўтишимиз мумкин:

1. Қадимги хинд-орий тиллари давридан то ҳозирги янги хинд-орий тиллари давригача ривожланган сонларга хос лексемаларнинг шаклланишида ўзига хос фонетик жараёнлар содир бўлган.

Ҳинд-орий тилларидаги сонларнинг шаклланиши жараёнида асосан уларда унли ва ундош товушлар элизия ҳодисасига учраган. Натижада сонларга хос лексик бирликлар таркибида ўзгаришлар рўй берган.

2. Сонларга хос баъзи лексемалардаги ундош товушлар церебрал товушларга ўзгариши натижасида қадимги тил қолдиқлари нисбатан кам сақланган. Қадимги хинд-орий тилларига хос бўлган санскрит тилидаги шакллар ўзгариши натижасида баъзи товушлар янги хинд-орий тиллари даврига келиб ўз хусусиятини йўқотган.

3. Таҳлилга тортилган мисолларнинг аксариятида лигатура шакллари ҳамда қисқа унли товушларнинг чўзиқ унли товушларга ўзгариш ҳодисаси юз берган. Натижада қадимги хинд-орий тилларидан ўрта хинд-орий тиллари даврига ўтиш жараёнида қисқа унлилар чўзиқ унлиларга ўзгарган ва бундай шакллар янги хинд-орий тиллари даврига келиб ҳам сақланиб қолган.

4. Сонларга хос баъзи лексемалар қадимги хинд-орий тиллари даврида битта шаклга эга бўлган бўлса, янги хинд-орий тиллари даврига келиб уларнинг иккитадан шакли ҳам ҳосил бўлган. Қисқа унлилар чўзиқ унлиларга ўзгарганлиги ёки бўлмасам чўзиқ унли товушларнинг қисқа унли товушларга ўзгариши, шунингдек иккита ундош товушларнинг бирикиши натижасида лигатура ҳосил бўлганлиги сабабли ҳам баъзи сонлар 2 тадан шаклга эга бўлган.

5. Эътиборли жиҳати шундаки, қадимги хинд-орий тиллари даврида шаклланган сонларга оид лексемалардан фарқли равишда, ўрта хинд-орий тиллари даврига хос бўлган апабахаранша тилидаги сонларга оид лексик бирликларнинг аксарияти, янги хинд-орий тиллари даврига келиб ҳеч қандай фонетик ўзгаришларсиз ривожланиб шаклланган.



Адабиётлар:

1. Дымщиц З.М. Грамматика языка хинди. Т I. -М.: Наука, 1986.
2. Зограф Г.А. Языки Южной Азии. -М.:Наука, 1990.
3. Низомиддинова С. Ҳозирги замон ўзбек тилида сон. -Т.: Фан, 1974.
4. Супрун А.Е. Числительное // Лингвистический энциклопедический словарь. -М.: Научное издательство Большая Российская энциклопедия, 1992.
5. Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. I қисм. -Т.: ТошДШИ нашриёти, 2003.
6. Шоматов О.Н. Ҳиндий тилининг меъёрий грамматикаси. -Т.: ТошДШИ, 2010.
7. धीरेन्द्र वर्मा -हिन्दी भाषा का विकास। -दिल्ली, 1962.
8. भोलानाथ तिवारी -हिन्दी भाषा। इलाहाबाद, 1972.
9. भोलानाथ तिवारी -भाषाविज्ञान संसार की भाषाएँ और उनका वर्गीकरण। -इलाहाबाद, 1996.
10. सरयुप्रसद अग्रवाल। भाषाविज्ञान और हिन्दी। -इलाहाबाद, 1997.
11. हरदेव बहरी। भाषा का विकास। -दिल्ली, 1992.
12. पंडित रामचंद्र। आदर्श हिन्दी शब्दकोश। -वाराणसी, 1971.

Нурматов С. О некоторых фонетических процессах при образовании числительных в индо-арийских языках. В этой статье изучены фонетические процессы, происшедшие при образовании лексем числительных в индоарийских языках и проведен анализ фонетических особенностей. Исследованы фонетические процессы, имевшие место в индоарийских языках древнего периода, включая новоиндоарийские языки, на примере лексических единиц числительных.

Nurmatov S. On some phonetic processes in the formation of numerals in the Indo-Aryan Languages. This article studies the phonetic processes that occurred during the formation of lexemes of numerals in the Indo-Aryan languages and analyzes their phonetic features. Phonetic processes that took place in the Indo-Aryan languages of the ancient period, including the new Indo-Aryan languages on the example of lexical units of numerals, are investigated.